

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7743463>



ELSEVIER



Foundation of Advanced Research Publishers

Султанов Хайтбой Эралиевич
ЧДПУ, "Тасвирий санъат ва дизайн" кафедраси доценти
Бойназарова Нилуфар Хикматуллаевна
ЧДПУ тьютор
xayitsultanov@gmail.com



Abstract: Ушбу мақолада бутун узлуксиз таълим тизимида юзага келаётган маънавий бўшлиқларни тўлдиришда тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувини татбиқ этишнинг аҳамияти ва унда тьюторнинг ўрни ёритиб берилди. Шунингдек, ақлий камолоти, маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантириш орқали талабаларни билим олишга, касбий фаолиятга кизиктириш, маънавий дунёқарашини шакллантиришда аниқ натижаларга эришиш йўллари тадқиқ қилинди. Таълим-тарбия жараёнини ҳамкорликда ташкил этишда тасвирий санъат ўқитувчиси ва мураббий ўрнидаги тьюторнинг имкониятлари илмий томондан асослаб берилди.

Keywords: Тасвирий санъат, талаба, маънавий тарбия, тьютор, дунёқараш,

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 16-03-2023

Accepted: 17-03-2023

Published: 22-03-2023

Кириш.

Юксак инновцион технологиялар шиддат билан кириб келаётгани, ахборот алмашинувининг юксак суръатлар билан тезлашиши натижасида кўпчилик ёшларнинг миллий урф-одатларга зид маданиятлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари бизнинг давримизда оддий бир ҳолга айланиб қолди. Янгича дунёқараш, ноодатий фикрлашга мойил бўлган авлодлар алмашуви ва уларнинг хоҳиш-истаклари ўзгариб бормоқда. Шу билан бирга ёш авлоднинг маънавияти, бадиий тафаккурини ривожлантириш муаммолари ва ижодий қобилиятларини шакллантириш шартлари ўзгариши тасвирий санъат таълимига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда.

Бундай ўзгаришлар ёшларнинг маънавий тарбиясида санъатга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Инсоният маданий тараққиётида тасвирий санъат орқали ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси узлуксиз таълим тизимида бир қатор жиддий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Жамиятнинг ҳозирги ҳолати бу эстетик қадриятларни нотўғри тушуниш ва англашилмовчиликка олиб келадиган номутаносиблик билан тавсифланади. Виртуал алоқалар ичида яшашга ўрганган томошабин, табиийликдан тобора узоқлашиб, миллий театр санъати, тасвирий ва амалий санъат музейлари, галарейларининг ҳаётимиздаги кадр-қимматини яхши англай олмайди. Мана шундай муҳитда тарбияланаётган ёш авлод кўп жиҳатдан миллий маданиятимиздаги классик асарларини тушуниб етмайди ва унга нисбатан безътибор муносабатда

бўлади. Илмий-техник тараққиётнинг замонавий шароитида илм-фан, таълим, маданият ва санъатнинг ўрни тобора ортиб бормоқда¹⁰². Олий таълимда ҳам талабаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш учун мана шундай эҳтиёж жуда катта.

Тадқиқотнинг мақсади. Замонавий технологияларнинг бундай тезликда ривожланиши ҳамда таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни қайта кўриб чиқиш ва замон талаблари асосида ислоҳ қилишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, талаба билан индивидуал ва жамоада ишлаш, уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этишнинг натижадорлигига эришиш мақсадида Олий таълим муассасаларида тьюторлик тизими жорий этилди. Бунга ҳали кўп бўлмади, лекин ўзининг ижобий натижаларини ҳам бера бошлади. Ёшлар таълим-тарбиясида юзага келаётган маънавий бўшлиқларни тўлдириш, ҳар томонлама рақобатбардош кадр тайёрлаш, ақлан етук, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш бу фақат профессор-ўқитувчи ёки алоҳида тьютор томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган вазифа эмас. Бу ерда таълим-тарбияни ўзаро мутаносибликда олиб бориш учун кафедра профессор-ўқитувчиси ва тьюторнинг мақсади талабанинг эҳтиёжи, қизиқишларига монанд бўлиши керак. Бу ўринда илғор мамлакатлар тажрибасига асосланиб ушбу таълим-тарбия жараёнига кластер ёндашувини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни қандай тушуниш керак? Авваломбор олимлар томонидан таърифини кўриб чиқамиз:

Мавзу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили.

Мақоланинг илмий моҳияти юқори технологияларнинг ривожланиши, ёшларнинг асосий кўпчилигининг мобил телефонлари ва интернетга боғланиб қолиши шароитида таълимдаги ҳар томонлама етук баркамол авлод тарбияси муаммоларининг ечимини топиш бутун дунёда долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Тинимсиз ўзгариб турган бозор иқтисоди жараёнида фақат таълим хизматларини амалга оширишгина эмас, балки шахсни рақобатбардошликка ўргатиш таълим тизимига татбиқ этилаётган кластернинг асосий мақсади ҳисобланади. Мамлакатимизда алоҳида тадқиқот объекти сифатида педагогик таълим кластери ва уни амалиётга татбиқ этиш муаммосини ўрганиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Мазкур тушунчага турли соҳа олимлари томонидан кўплаб таърифлар берилган. Масалан:

Кластер - шаклланиш механизмининг ўзаро рақобатбардошлик ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши.¹⁰³

¹⁰² Алексеева С.О. Проблемы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе/ <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-obucheniya-izobrazitelnomu-iskusstvu-v-obscheobrazovatelnoy-shkole/viewer>;

¹⁰³ Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

Кластер - рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми.¹⁰⁴

Кластер - ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлақлардан иборат бўлган тузилма.¹⁰⁵

Кластер - бу маълум бир хусусиятларга эга бўлган мустақил ҳамкорлик сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган бир хил элементлар бирикмаси¹⁰⁶.

Кластер - бу қўшни ва тегишли ташкилотлар умумий фаолияти ва бир-бирини тўлдирувчи сифатида тавсифланадиган маълум бир соҳада бир-бирига ўзаро боғлиқ компаниялар гуруҳи¹⁰⁷.

Олимларнинг таърифларидан келиб чиқадиган бўлсак кластерни бир жамоа ичида талабалар таълим-тарбиясини тўғри ташкил этишда ўзаро рақобат муҳитига асосланган ҳамкорликдаги ҳаракат деб тушуниш мумкин. Бу ерда рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган мутахассис тайёрлайдиган кафедра жамоаси ва ушбу жамоа билан таълим олувчилар ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайдиган тьюторларнинг ҳамжихатликда фаолиятининг ташкилий шаклини кучайтирувчи механизм.

Талабаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда ўзаро манфаатдорликка асосланган мустақил ҳамкорлик, профессор-ўқитувчи-тьютор-талаба тизимида тенг ҳуқуқли бўлақлардан иборат бўлган тузилма.

Демак, кластер бир мақсадга тегишли ҳамкорлик ва ушбу жараёнга бевосита тегишли маъсулиятли шахсларнинг бир-бирини тўлдирувчи умумий фаолияти билан ажралиб турадиган, шу билан бирга бир-бирини тўлдирадиган маълум бир соҳада ҳаракатлар мажмуидир.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда жамоа ичида кластер ёндашуви ва санъатнинг таъсир кучидан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Чунки, муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш осонроқ ва талабаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, ҳиссиётини ривожлантиришда тасвирий санъат катта аҳамиятга эга. Таълим-тарбия жараёнини ҳамкорликда ташкил этиш каби умумий фаолиятда тасвирий санъат ўқитувчиси ва мураббий ўрнидаги тьюторнинг

¹⁰⁴ Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем //Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород, 24–26 окт. 2006 г.): в2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24–29.

¹⁰⁵ Беспалова Л. Что такое кластер? URL: <http://siok.rightside.ru/siok/> 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

¹⁰⁶ Википедия: Свободная энциклопедия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki>

¹⁰⁷ Громыко Ю.В. Что такое кластеры и как их создавать? // Альманах «Восток». – 2007. – Вып. 1 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: http://www.situation.ru/app/j_artp_1178.htm.

имкониятлари янада кенгайди. Ваҳоланки, бутун университет жамоасининг умумий мақсади ақлий камолоти, маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантириш орқали талабаларни билим олишга, касбий фаолиятга кизиштириш, маънавий дунёқарашини шакллантиришда аниқ натижаларга эришишдан иборат.

Ҳамкорликка асосланган кластер таълимда замонавий ёндашув ҳисобланади. Ёшларининг ижодий салоҳиятини фаол ривожлантириш, талабанинг маълум йўналишдаги иқтидорини аниқлаш, барча соҳаларда ўз истеъдодини шакллантириш ва очиб беришда уларга ёрдам беради. Биз ҳар қандай шахснинг болалигида чизган суратлари орқали атроф-борлиқ ҳақида олган илк таасуротлари аста-секин тафаккурга айланиб боришини унутмаслигимиз керак. Тасвирий санъат кишини ўзига жалб қиладиган, ажиб ҳиссиётлар бахш этадиган, ортиқча стрессларни йўқ қиладиган, маънавий озуқа дейиш мумкин. Кишига илҳом берадиган бундай ҳиссиётларни сўндириб қўймаслик учун жамиятда ҳар доим маҳоратли ўқитувчи-мураббийга эҳтиёж юқори бўлади. Тасвирий санъат йўналишида эса айнан шундай мутахассислар тайёрланади. Педагог тизимлилик ва босқичма-босқичлик тамойили орқали ўқув жараёнини ташкиллаштириб, ўз шогирдларини ижодкорликка йўналтириб бориши зарур. Бунинг учун биринчи пойдевор Олий таълим муассасасида шакллантирилади.

Натижалар ва амалий мисоллар. Касбий таълим ва фан минтақа маданияти интеграторлари ролини ўйнайдиган олий таълим муассасалари ҳудудларнинг инновацион ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Бу янги манзарада ОТМ, маҳаллий ҳокимият идоралари ёки бошқа таълим муассасаларининг кластер ҳамкорлигига воситачилик қилиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш каби имкониятлардан оқилона фойдаланиши жуда муҳим.¹⁰⁸

Бу албатта, университет ичидаги алоҳида жамоаларга ҳам тегишли. Ўқув жараёни, илмий-тадқиқот, талабалар билан индивидуал ишлаш, рейтингни ошириш каби топшириқлар ўқитувчиларнинг анча вақтини олади. Тьюторларнинг талабалар билан ишлашдаги ёрдами уларнинг ишини анча енгиллаштиради. Соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта

¹⁰⁸ Sultanov Kh.E., Marasulova I.M., Bakhriev I.S. Ankabaev R.T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6588.

эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлиги¹⁰⁹ оширилади.

Бугунги кунда тасвирий санъат ўқитувчилари зиммасида ёш авлоднинг маданий ривожланиши ва маънавий тарбияси билан шуғулланишдек масъулиятли вазифа юкланади. Чунки мактаб фаолиятида ўқувчилар билан маданий-маърифий ишларни олиб бориш (ижодий танловлар, кўргазмалар, байрамларга тегишли бадиий-безак ишлари) бевосита тасвирий санъат соҳасига тегишли ҳисобланади. Педагогдаги ушбу сифатларнинг шаклланишида бутун ОТМ жамаси, жумладан: профессор-ўқитувчи ва тьюторнинг ҳамкорликдаги самарали меҳнати туфайлигини эришиш мумкин.

Хулоса. Талаба-ёшлардаги маънавий дунёқарашини тарбиялаш таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг ажралмас компоненти ҳисобланади. Чунки бугунги талаба эртага мактабларда ўқувчиларни тўғри йўлга бошловчи мураббийдир. Шундан келиб чиқиб, бутун узлуксиз таълим тизимида юзага келаётган маънавий бўшлиқларни тўлдиришда тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувини татбиқ этишнинг аҳамияти жуда катта деган хулосага келиш мумкин. Бунда олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчи ва мураббий ўрнидаги тьюторнинг ўзaro уйғунликдаги фаолияти жуда муҳим. Бу таълим-тарбия жараёнини ҳамкорликда ташкил этиш имкониятларини кенгайтиради.

Мана шундай ҳамкорлик орқали талабаларнинг маънавий дунёқарашини тарбиялаш билан бирга таълимнинг касбга йўналтириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш вазифалари ҳам амалга оширилади. Маънан етук, руҳан кучли ёшлар ҳар қандай жамият тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалари ривожини учун ўзларининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган шахс шаклланади.

Тавсиялар: Тадқиқотнинг хулосаларига таянган ҳолда қуйидаги амалий таклифларни келтириш мумкин:

- олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчи ва тьюторнинг кластер ёндашувига асосланган ҳамкорликда ишлаш механизминини такомиллаштириш;

- тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви орқали талабаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда ушбу йўналишнинг ўзига хос специфик хусусиятларидан тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

¹⁰⁹ “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПК-4623 қарори

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-4623 қарори.

2. Sultanov Kh.E., Marasulova I.M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6588.

3. Sultanov X.E., Sobirov S.T., Ismatov U.S. Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books //International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192 DOI. p. 3526- 3533.

4. Eraliyevich S. H. Shaping Students' Spiritual Worldviews Through Fine Arts //The American Journal of Social Science and Education Innovations. - 2021. - Т. 3. – №. 05. – С. 79-86.

5. Султанов Х.Э., Бойназарова Н.Х., Бердиев Д.А., Мирсоатова Л.У., Алимова Н.Ш. Кластер ҳамкорлигида ижодий фаолиятни ташкил этишнинг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти /Материалы международной научно-практической конференции «перспективы развития образовательного инновационного кластера»// Чирчик 2022.5.20: Том 1. №1. - 613-621 б.

6. Бахриев, И. С. Султанов, Х. Э., Марасуллова, И. М., Махмудов, М. Ж., (2020). НА ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ: ИЗ ОПЫТА РАБОТЫ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 231-237.

7. Алексеева С.О. Проблемы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе/ <https://cyberleninka.ru/article/n/problemu-obucheniya-izobrazitelnomu-iskusstvu-v-obscheobrazovatelnoy-shkole/viewer>;

8. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

9. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем //Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в 2 ч./ БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24–29.

10. Беспалова Л. Что такое кластер? URL: <http://siok.rightside.ru/siok/2009-12-01-06-24-41>.

11. Википедия: Свободная энциклопедия [Электронный ресурс]. - Режим доступа: URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki>
12. ru.wikipedia.org/wiki
13. Громько Ю.В. Что такое кластеры и как их создавать? // Альманах «Восток». - 2007. - Вып. 1 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: URL: http://www.situation.ru/app/j_artp_1178.htm.
14. [situation.ru/app/j_artp_1178.htm](http://www.situation.ru/app/j_artp_1178.htm).